O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, 25.03.2026 yildagi O‘RQ-1124-son

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига атроф-муҳит, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг муҳофазасини кучайтиришга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Старая редакция	Новая редакция
Ўзбекистон Республикасининг қонуни Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида	
28-модда. Атроф-муҳит мониторинги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф-муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади. Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт.	28-модда. Атроф-муҳит мониторинги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларини кузатиш, ҳисобга олиш, уларга баҳо бериш ва уларнинг истиқболини белгилашни таъминлаш мақсадида атроф-муҳитнинг давлат мониторинги тизими ташкил этилади. Атроф табиий муҳитнинг ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланиш устидан кузатув махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек фаолияти атроф табиий муҳитнинг ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки ёмонлаштириши мумкин бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан амалга оширилади. Махсус ваколат берилган идоралар, шунингдек айтиб ўтилган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз кузатувларига доир материалларни тегишли давлат идораларига бепул беришлари шарт. **Атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахслар атроф-муҳитни**

Старая редакция	Новая редакция
	ифлослантирувчи манбаларнинг мониторинги доирасида ифлослантирувчи манбаларда ўрнатиладиган автоматик мониторинг станциялари маълумотларини Атроф-муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига реал вақт режимида киритиши шарт.
Атроф-муҳитнинг мониторингини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.	Атроф-муҳитнинг мониторингини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.
34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан утилизация йиғимидан, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлардан иборат бўлади. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорлари, шу жумладан ижара тўловининг миқдори табиий	34-модда. Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар Табиатдан махсус фойдаланганлик ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун тўловлар табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлардан утилизация йиғимидан, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик (ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик, оқизганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик **ҳамда иссиқхона газлари ажратмалари**) учун компенсация тўловларидан, табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловлардан иборат бўлади. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорлари,

Старая редакция	Новая редакция
ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслилиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади. Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларининг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархига қўшилади. Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун, шунингдек табиатдан лимитда (нормативда) белгиланганидан ташқари ва ўзгача тарзда нооқилона махсус фойдаланганлик учун компенсация тўловлари юридик шахснинг даромадидан (фойдасидан) ундирилади.	шу жумладан ижара тўловининг миқдори табиий ресурсларнинг қай даражада кенг тарқалганлиги, сифати, уларни қайта тиклаш имкониятлари, улардан фойдаланишнинг қай даражада қулайлиги, комплекслилиги, самарадорлиги, уларнинг жойлашган ери, чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари ҳамда бошқа жиҳатларни инобатга олган ҳолда, шунингдек тегишли лимитлар қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади ва тасдиқланади. Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларининг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Табиий ресурсларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўловларнинг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловлар табиатдан фойдаланувчи корхоналар маҳсулотларининг (бажарган ишларининг, кўрсатган хизматларининг) таннархига қўшилади. Атроф муҳитни ифлослантирганлик учун, шунингдек табиатдан лимитда (нормативда) белгиланганидан ташқари ва ўзгача тарзда нооқилона

Старая редакция	Новая редакция
Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов Давлат бюджетига тушади. Атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндилар жойлаштирганлик учун компенсация тўловларининг суммалари Экология жамғармасига тушади. Утилизация йиғими суммалари даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушади. Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар **ва** атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари бўйича имтиёзлар қонунчилик билан белгиланади.	махсус фойдаланганлик учун компенсация тўловлари юридик шахснинг даромадидан (фойдасидан) ундирилади. Табиий ресурслардан фойдаланганлик, уларни муҳофаза қилганлик ва қайта тиклаганлик учун тўлов Давлат бюджетига тушади. Атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндилар жойлаштирганлик **шунингдек иссиқхона газлари ажратмалари** учун компенсация тўловларининг суммалари Экология жамғармасига тушади. Утилизация йиғими суммалари даромадлар бўйича шахсий ғазна ҳисобварағига келиб тушади. Табиатдан махсус фойдаланганлик учун тўловлар бўйича имтиёзлар қонунчилик билан белгиланади, **бундан** атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловлари **ҳамда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесганлик учун тўловлар ва уларни кўчириб ўтқазиш билан боғлиқ мажбуриятлардан озод қилиш бўйича имтиёзлар мустасно** **Атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик ва оқизганлик ҳамда чиқиндиларни жойлаштирганлик, шунингдек иссиқхона газлари ажратмалари учун компенсация тўловларидан ҳамда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесганлик, кўчириб ўтқазганлик учун**

Старая редакция	Новая редакция
	компенсация тарзида экишдан озод қилиш қонун билан белгиланади.
Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини тўлаганлик юридик ва жисмоний шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.	Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўловларни ва атроф муҳитни ифлослантирганлик учун компенсация тўловларини тўлаганлик юридик ва жисмоний шахсларни экология тадбирларини бажаришдан ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.
47-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик Тубандаги ҳолларда: табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сиғимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда; табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда; табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни	47-модда. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик Тубандаги ҳолларда: табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сиғимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда; табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда; табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни

Старая редакция	Новая редакция
ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда; табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда; атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда; табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда; табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режимини бузганликда; чиқиндиларни, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;	ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда; табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда; атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда; табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда; табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режимини бузганликда; чиқиндиларни, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

Старая редакция	Новая редакция
атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.	**атроф-муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасидан фойдаланиш талабларини бузганликда** атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.
	50[1]-модда. Атроф-муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасидан фойдаланиш талабларини бузганлик учун молиявий санкциялар **Атроф-муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига маълумотларни киритмаганлик, тўлиқ киритмаганлик ёки нотўғри маълумот киритганлик учун атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг I ва II тоифаларига мансуб фаолият турлари билан шуғулланувчи юридик шахсларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима тарзида молиявий санкция қўлланилади.** **Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган молиявий санкция юридик шахслар аниқланган ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганда Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни**

Старая редакция	Новая редакция
	муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан қўлланилади, низо мавжуд бўлган ҳолларда ёки юридик шахс Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг қарорини олган кундан эътиборан бир ой ичида молиявий санкция суммасини ихтиёрий равишда тўламаган ҳолларда, молиявий санкцияни қўллаш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал этилади.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЖИНОЯТ КОДЕКСИ УМУМИЙ ҚИСМ	
196-модда. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **юз** бараваридан **икки юз** бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, —	196-модда. Атроф табиий муҳитни ифлослантириш Ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равишда касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч юз** бараваридан **беш юз** бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз олтмиш соатдан **тўрт юз саксон соатгача** мажбурий жамоат ишлари ёки **икки йилдан** уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса, —

Старая редакция	Новая редакция
муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, **бир йилдан уч йилгача** озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.	муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, **уч йилдан беш йилгача** озодликни чеклаш ёки уч **йилдан беш** йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади
197-модда. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **эллик бараваридан юз** бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд **бир йилдан уч йилгача** озодликни чеклаш **ёки уч йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.	197-модда. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки юз бараваридан уч юз** бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатдан **тўрт юз саксон** соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки **икки йилдан** уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд **уч йилдан беш йилгача** озодликни чеклаш **ёки уч йилдан беш йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади
198-модда. Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш Оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **эллик бараваридан юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **икки юз қирқ**	198-модда. Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш Оловга эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлиш натижасида экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни шикастлантириш ёхуд нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **юз бараваридан икки юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **уч юз**

Старая редакция	Новая редакция
соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади. Ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **юз бараваридан юз эллик бараваригача** миқдорда жарима ёки **икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача** мажбурий жамоат ишлари ёхуд **бир йилдан икки йилгача ахлоқ** тузатиш ишлари ёки **бир йилдан уч йилгача** озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қасддан шикастлантириш, пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **юз эллик бараваридан икки юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **уч юз соатдан уч юз олтмиш** соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки **икки йилдан уч йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд **бир йилдан уч йилгача** озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Етказилган моддий зарарнинг ўрни уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.	**олтмиш соатгача** мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади Ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қонунга хилоф равишда кесиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш юз бараваридан олти юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача** мажбурий жамоат ишлари ёхуд **икки йилдан уч йилгача** ахлоқ тузатиш ишлари ёки **уч йилдан беш йилгача озодликни** чеклаш ёхуд **уч йилдан беш йилгача озодликдан** маҳрум қилиш билан жазоланади Экинзорларни, ўрмонларни, дарахтларни ёки бошқа ўсимликларни қасддан шикастлантириш, пайҳон қилиш, нобуд қилиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш юз бараваридан олти юз бараваригача** миқдорда жарима ёки **уч юз олтмиш соатдан тўрт юз саксон** соатгача мажбурий жамоат ишлари **ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ** тузатиш ишлари ёхуд **уч йилдан беш йилгача** озодликни чеклаш **ёки уч йилдан беш йилгача** озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади Етказилган моддий зарарнинг ўрни уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Старая редакция	Новая редакция
	198[1]-модда. Қонунга хилоф равишда ўрмон фонди ерларини бериш, улардан фойдаланиш, уларда биноиншоотлар қуриш **Қонунга хилоф равишда ўрмон фонди ерларини бериш, улардан фойдаланиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –** **базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.** **Ўрмон фонди ерларида қонунга хилоф равишда бино-иншоотлар қуриш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, -** **базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.** **Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:** **а) такроран;** **б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;**

Старая редакция	Новая редакция
	в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, - беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. **Етказилган моддий зарарнинг ўрни уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно**
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси БИРИНЧИ БЎЛИМ	
	17^4-модда. Махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги **Ушбу Кодекс 70-моддасининг биринчи қисмида, 701, 72, 77-моддаларида, 79-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 81, 82, 83-моддаларида, 84-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 88-моддасида, 90-моддасининг биринчи қисмида, 91-моддасида, 911-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 92-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка ҳуқуқбузарликни содир**

Старая редакция	Новая редакция
	этган шахс ёки транспорт воситасининг мулкдори ёхуд мазкур транспорт воситасидан фуқароликҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланган шахс тортилади. **Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг қонунчиликка мувофиқ юридик шахсга тегишли бўлган транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилганлиги махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка юридик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахси ёки мазкур транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланган шахс тортилади.** **Агар маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш жараёнида тегишли транспорт воситасига ҳуқуқбузарлик қайд этилган пайтда эгалик қилган шахс аниқланса ёхуд мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида транспорт воситаси мулкдорининг эгалигидан чиқиб кетганлиги аниқланса, транспорт воситасининг мулкдори ўзига тегишли транспорт воситасидан фойдаланиб содир этилган, махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган экология,**

Старая редакция	Новая редакция
	атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликдан озод этилади. **Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли томонидан юборилган экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фотосуратлар ва видеоёзувлар махсус автоматлаштирилган фото- ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари акс эттирилган фотосуратлар ва видеоёзувларга тенглаштирилади.**
70[1]-модда. Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўттиз бараваридан эллик бараваригача,** мансабдор шахсларга эса — **эллик бараваридан юз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита	70[1]-модда. Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **эллик бараваридан юз бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **- бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли бўлган ашёни ёки маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита

Старая редакция	Новая редакция
ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **эллик бараваридан етмиш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **юз бараваридан юз эллик бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	ашёсини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **юз бараваридан бир юз эллик бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **икки юз бараваридан уч юз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
72-модда. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараваридан беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	72-модда. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, шунингдек сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартлари тўғрисидаги талабларни бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш бараваридан йигирма бараваригача,** мансабдор шахсларга эса **йигирма беш бараваридан эллик бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш бараваридан эллик бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

Старая редакция	Новая редакция
Сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш (бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун ер ости сувларини якка тартибда олишга мўлжалланган қудуқларни қазиш ҳоллари мустасно), ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлашга, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялашга ёки йўқ қилишга доир чораларни кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувлари ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашишининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги иншоотларини ва бошқа объектларни жойлаштириш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки бараваридан беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **беш бараваридан етти бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **етти бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **ўн беш бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	Сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш (бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун ер ости сувларини якка тартибда олишга мўлжалланган қудуқларни қазиш ҳоллари мустасно), ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлашга, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялашга ёки йўқ қилишга доир чораларни кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувлари ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашишининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги иншоотларини ва бошқа объектларни жойлаштириш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **- йигирма беш бараваридан ўттиз беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **- етмиш беш бараваридан юз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;.

Старая редакция	Новая редакция
74-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш	74-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш
Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, сувларнинг ҳамда сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш —	Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, сувларнинг ҳамда сув объектларининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, шунингдек **аҳоли пунктларидаги ва туман (шаҳар) марказларидаги ариқларни, ирригация тизимларини кўмиб ташлаш** лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш —
фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни	Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни

Старая редакция	Новая редакция
ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш —	ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш —
фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараваридан уч бараваригача,** мансабдор шахсларга эса — **беш бараваридан** ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараваридан беш бараваригача,** мансабдор шахсларга эса **етти бараваридан** ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —	Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —
фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан етти бараваригача,** мансабдор шахсларга эса — **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **етти бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **- ўн беш бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».
Ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитларини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш, ер ости сувларига қудуқни қонунга хилоф равишда бурғилаш, бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно, —	Ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитларини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш, ер ости сувларига қудуқни қонунга хилоф равишда бурғилаш, бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно, —
фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг олти бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг олти бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Старая редакция	Новая редакция
Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бир бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	Ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бир бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
77-модда. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш Ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **учдан бир қисмидан бир бараваригача,** мансабдор шахсларга эса — **бир бараваридан уч бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараваридан уч бараваригача,** мансабдор шахсларга эса **— уч бараваридан етти бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	77-модда. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш Ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараваридан беш бараваригача,** мансабдор шахсларга эса - **ўн бараваридан ўн беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **етти бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса – **ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Старая редакция	Новая редакция
Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараваридан беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **ўн бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **етти бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **– ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **- ўттиз бараваридан эллик бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».
	77[1]-модда. Қонунга хилоф равишда ўрмон фонди ерларини бериш ва уларда бино-иншоотлар қуриш **Қонунга хилоф равишда ўрмон фонди ерларини бериш ёки уларда бино-иншоотларни куриш, - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса - бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади**
79[1]-модда. Ўсимлик дунёси объектларини йиғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларини бузиш	79[1]-модда. Ўсимлик дунёси объектларини йиғиш, тайёрлаш ва улардан фойдаланиш тартиби ҳамда шартларини бузиш

Старая редакция	Новая редакция
Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг техник ва доривор хомашёсини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ҳамда тайёрлашнинг, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланишнинг белгиланган тартибини ҳамда шартларини бузиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараваридан беш бараваригача,** мансабдор шахсларга эса — **беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг техник ва доривор хомашёсини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни озиқ-овқат мақсадлари учун йиғиш ҳамда тайёрлашнинг, шунингдек ўсимлик дунёси объектларидан маданий-маърифий, ўқув-тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланишнинг белгиланган тартибини ҳамда шартларини бузиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **етти бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **– ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
81-модда. Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёки уларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган илдизлари, пиёзбошлари, таналари, поялари, новдалари, пўстлоғи, барглари, ғунчалари, гуллари, уруғлари, мевалари, шарбатини (елимини) ва бошқа маҳсулотларини ўзбошимчалик билан йиғиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача,** мансабдор шахсларга эса — **ўн бараваридан ўн беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	81-модда. Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёки уларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган илдизлари, пиёзбошлари, таналари, поялари, новдалари, пўстлоғи, барглари, ғунчалари, гуллари, уруғлари, мевалари, шарбатини (елимини) ва бошқа маҳсулотларини ўзбошимчалик билан йиғиш, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн бараваридан ўн беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **йигирма бараваридан ўттиз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

Старая редакция	Новая редакция
Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн бараваридан ўн беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма бараваридан ўттиз бараваригача**, мансабдор шахсларга эса – **эллик бараваридан етмиш беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».
82-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш Давлат қўриқхонаси режимини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн бараваридан ўн беш бараваригача,** мансабдор шахсларга эса — **ўн беш бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар шу жумладан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн бараваридан ўн беш бараваригача**, мансабдор шахсларга	82-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш Давлат қўриқхонаси режимини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **- ўттиз бараваридан эллик бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар шу жумладан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача**, мансабдор

Старая редакция	Новая редакция
эса **— ўн беш бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **ўттиз бараваридан қирқ бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	шахсларга эса – **ўттиз бараваридан эллик бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўттиз бараваридан эллик** бараваригача, мансабдор шахсларга эса - **етмиш беш бараваридан юз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».
83-модда. Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача,** мансабдор шахсларга эса **— ўн бараваридан ўн беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	83-модда. Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн бараваридан ўн беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса - **йигирма бараваридан ўттиз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади
84-модда. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараваридан беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **ўн бараваридан ўн беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	84-модда. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача**, мансабдор шахсларга эса - **эллик бараваридан етмиш беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Старая редакция	Новая редакция
Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача**, мансабдор шахсларга эса — **ўн беш бараваридан йигирма бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, агар ёнғин чиқишига олиб келган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.	Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш бараваридан эллик бараваригача**, мансабдор шахсларга эса – **етмиш беш бараваридан юз бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади». Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, агар ёнғин чиқишига олиб келган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.
85-модда. Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш Ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган нормативдан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик	85-модда. Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш Ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган нормативдан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик

Старая редакция	Новая редакция
